

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА МУЛОҚОТ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ
АҲАМИЯТЛИ ЎРНИ

Якубов Шерзод Баходирович

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

АКАДЕМИЯСИ КАФЕДРА ЎҚИТУВЧИСИ

E-mail:yakubov@sher.uz

Аннотация: Ушбу мақолада педагогик жараёнда мулоқот ва маънавиятнинг аҳамиятли шунингдек офицер ва бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақидаги масалалари кенг тарзда ёритилган.

Калит сўзлар: офицер, фаолият, педагогика, ҳарбий, инсон, таълим, муносабат, мулоқот.

Аннотация: В данной статье широко освещено значение общения и морального духа в педагогическом процессе, а также взаимодействие между офицером и подчиненным.

Ключевые слова: офицер, деятельность, педагогика, военный, человек, воспитание, отношение, общение.

Abstract: This article widely covers the importance of communication and morale in the pedagogical process, as well as the interaction between an officer and a subordinate.

Key words: officer, activity, pedagogy, military man, person, education, attitude, communication.

Педагогик жараённинг самарадорлиги нафақат педагогнинг билими, маалакалари ва кўникмаси савиясига боғлиқ бўлади. Бунда мулоқотнинг қай даражада ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Офицер ва бўйсунувчи ўртасидаги ўзаро муносабат тизимида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган томонлар мавжуд:

- а) мақсад йўналишини белгилаш;
- б) ҳатти-ҳаракатлардан кейинги ҳаракатни кўра билиш;
- в) мақсадни олдиндан билиш ва бошқа кишилар мақсадига нисбатан мувофиқликда бўлишини таъминлаш;
- г) ўз эҳтиёжларини назорат қила олишлари лозим бўлганда уларнинг қондирилиши вақтини кейинга сура олиш;
- д) бўйсунувчиларнинг индивидуал-психологик ва миллий хусусиятларини ҳисобга ола билиш маҳорати ва бошқалар.

Инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида ҳар бир нарсани эътиборга олиш керак экан, демак томонларнинг бир-бирларини тушунишларига эришиш лозим. Бир-бирини тушуниш бу ўз-ўзини ва ўзга кишини англай олишдир

Юқорида мулоқотга психологик нуқтаи назардан тавсиф берилди. Бироқ буни билишнинг ўзи мулоқот жараёнининг самарадорлигини таъминлай олмайди. Педагогик жараён давомида қўйилган таълим-тарбиявий мақсадларга эришиш учун бўйсунувчиларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини, халқимизнинг миллий хусусиятлари, менталитети, кадриятлари ва бошқа шу каби омилларни инобатга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб, мустаҳкамланиб келаётган, жаҳон халқлари ҳурмат билан эътироф этаётган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўзбек халқининг асосий миллий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги;
- жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги;
- ота-она, маҳалла-қўй, умуман жамоага юксак ҳурмат-эътибор;
- миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат;
- каттага ҳурмат ва кичикка иззат;

– меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи – аёл зотига эҳтиром, сабр-бардош ва меҳнатсеварлик;

- ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Ўзбек халқи хусусида қачон, қаерда гап кетмасин, унинг меҳнаткашлиги, болажонлиги, меҳмондўстлиги, бағри кенлиги, саҳийлиги ва инсонпарварлиги тилга олинади.

Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқ кўнгиллилик, миллатидан қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.

Ўзбек халқининг бу хусусиятларининг мазмунини, нима учун шунчалик қадрланиши ва эъзозланишини чуқурроқ англаш учун қуйидаги тушунчалар билан кенгроқ танишиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Миллат (арабча «миллат» – халқ) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлигидир.

«Миллат» сўзи араб тилида қуйидаги уч маънони англатади: биринчи – дин, мазҳаб; иккинчи – уммат; учинчи – халқ, қавм. Миллат сўзи Қуръони каримда ҳам қўлланилган. Қуръонда ҳар бир миллат вакили ўз миллий кадриятларини ривожлантириши савобли иш, ўз миллатидан, қавмидан кечиб, бошқа миллатга ўтиб кетиши эса гуноҳ, деб таърифланган.

Ҳар бир миллат ёки элатнинг ўзига хослигини белгиловчи характерли хусусиятлари дастлаб яшаш жараёнида, ҳар бир киши ёки оила эҳтиёжлари асосида юзага келган. Бу хусусиятлар асрлар оша ва авлодлар тажрибасида синалиб мукаммаллашган ва шу халқ манфаатларининг энг зарур ҳамда нозик томонларини

химоя қилишга қодир воситага айланиб борган. Жумладан, ўзбек халқ миллий психологияси хусусиятларининг энг муҳим томони, мақсад ва манфаатлари фақат инсон учун, инсонни улуғлаш, кадрлаш, унга меҳр-оқибатли бўлиш учун хизмат қилиши билан алоҳида ўрин тутади. Шу боис ўзбек халқининг тарихий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, маросимлари, ахлоқ-одоб меъёри, турмуш тарзи, маънавий кадриятлари, шахслараро муносабат ва мулоқот кўринишлари ҳамда хусусиятлари, ўзига хос мукамаллиги, нодирлиги ва бетакрорлиги билан жаҳон халқларини ўзига ром ва махлиё этиб келмоқда.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 – Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021. – 22с.
2. Акрамова Ш. Ҳарбий педагогика. Олий ҳарбий таълим муассасалари учун. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021. - 295 б.
3. Иноятов И.Ю., Абилов М.Х. Ватан химояси – муқаддас бурч. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2001. – 81-93-б.
4. Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. Т.: 2007. – 349 б.